ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“ФАРМАЦИЯДА ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

“АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ”

Тошкент-2009

Таҳрир ҳайъати:

Раис: Юнусхўжаев АН.

Аъзолар: Шабилолов А.А.
Аминов С.Н.
Расулова С.А.
Файзуллаева Н.С.

Тошкент фармацевтика институти Илмий кенгашининг
13.10.2009 йилдаги 3-сон қарори билан чоп этишга тавсия этилган

Лактофлор шамчасини яратиш

А.Д.Таджиева, Б.Хақбердиева, Г.У. Тиллаева, Ф.Ю.Меметов
Тошкент фармацевтика институти,Тошкент ш.,Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: миллий фармацевтика саноатини ривожлантириш,тайёр маҳсулотни сифатини жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳар бир мутахасиснинг олдида турган долзарб вазифалардан бири. Юмшоқ дори турлари ичида шамча дори ўзининг бир қанча авзалликлари билан бошқа дори турларидан ажралиб туради. Шунинг учун турли асослар ёрдамида лактофлор шамчасини яратиш ва сифатини баҳолашни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.
Усуллар: лактофлор шамчасини технологиясида қуйидаги асослардан фойдаланилди: какао мойи, маҳаллий хом ашё асосида олинган липофил ПМ-10 асоси ва Суппорин М. Таъсир этувчи модда миқдори (лактофлор 0,02г) шамча асосини 5%дан ошмаганлиги сабабли ўрин олиш кўрсаткичи инобатга олинмади.Фармацевтика корхоналарида шамчалар асосан қолипга қуйиш усули билан тайёрланди. Шамчаларни қолипдан осон чиқиши учун қолип уячалари вазелин мойи ёки совун спиртли аралашма билан артиш лозим. Тажриба давомида 1:1:5 нисбатда тайёрланган совун,глицерин ва спирт аралашмасидан фойдаланилди. Қолиплар масса қуйишдан олдин ва масса қуйилгандан сўнг совитгичга 20-30 дақиқага қўйилди. Сўнгра шамчалар қолипдан олиниб, уларнинг сифат кўрсаткичлари: шамчанинг ташқи кўриниши, чинлиги, эриш ҳарорати, тўлиқ деформацияга учраш вақти (ТДУВ), рН кўрсаткичи ва биофаол модда миқдори тегишли МҲ асосида аниқланди.
Натижалар: шамчанинг ташқи кўриниши органолептик усулда, чинлиги таъсир этувчи моддага хос сифат реакцияси асосида, эриш ҳарорати, рН кўрсаткичи ва ТДУВ XI ДФсида берилган расмий усуллар бўйича текширилди ва ижобий натижалар олинди. Лактофлор шамчаси оқ ёки оч сариқ рангли торпедо кўринишда бўлиб, шамчани ўртасидан кесиб кўрилганда шамча массасида бегона доғлар кузатилмади, эриш ҳарорати 36,5-370 С, ТДУВ 5- 8 дақиқани, сувли ажратманинг рН кўрсаткичи 5,6-6,0ни мос равишда ташкил этди. Шамча таркибидаги таъсир этувчи модда миқдори спектрофотометрик усулида аниқланди. Олинган натижалар тегишли МҲ талабига жавоб беришини кўрсатди.
Хулосалар: маҳаллий хом ашё ҳисобланган лактофлор асосида лактофлор шамчасини таркиби ва технологияси таклиф этилди. Шамчаларнинг сифат кўрсаткичлари тегишли МҲ асосида баҳоланди. Лактофлор шамчасини турғунлиги ва терапевтик самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий изланишлар давом этмоқда.